



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Темур Мамадаминов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг навбатдаги битирувчилари хизмат вазибаларини бажариш учун йўл олишди. Шу муносабат билан билим юртида тантанали тадбир ташкил этилди.

ОФИЦЕРЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, соҳавий хизмат вакиллари, шунингдек, битирувчиларнинг ақинлари иштирок этишди.

Бугунги кунда Ички ишлар тизимида офицер кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, билим юртларида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўташи учун шароит яратиш, соҳанинг нуфузини янада ошириш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилмоқда. Бу борада таълимни моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усуллари, илғор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилаётди.

Ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрларни етказиб беришда Ички ишлар вазирлиги академияси етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу даргоҳда тингловчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олишлари учун жаҳон андозаларига мос келувчи ўқув ва моддий-техникавий база яра-

тилган. Академиянинг инновацион педагогик технологиялар маркази, Таълим телевизион маркази, замонавий ахборот-коммуникация тизими билан жиҳозланган маъруза заллари, «Одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш» интерфаол ўқитиш маркази, Қирималистик тадқиқотларни ўрганиш маркази, «Намунали милиция таянч пункти» ўқув маркази ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази тингловчиларни ўқитишда таълим жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Бугун ушбу таълим муассасасини юқори кўнма ва малакага эга бўлган, ўз касбининг сир-синаотларини пухта эгаллаган навбатдаги битирувчилари эл-юрт тинчилиги ва оқошталлигини таъминлашдек масъулиятли вазифани амалда шараф билан бажариш учун йўл олмоқда. Бекзодбек Исомбеков — улардан бири.

— Бу кун менинг ҳаётимда унутилмас бир воқеа бўлиб қолади, чунки офицерлик либосини кийдим, — дейди Бекзодбек. — Офицер бўлиб, эл-юрт тинчилиги учун хизмат қилишдек бахтга мушарраф бўлганимдан қувончимнинг чеки йўқ. Биз тўрт йил даво-

мида билим юртининг профессор-ўқитувчиларидан соҳанинг назарий ва амалий билимларини кунт билан ўрганиб келдик. Эндиги мақсадимиз эгаллаган билим ва малакамизга таянган ҳолда юрт тинчилиги ва оқошталлигини сақлашда садоқат билан хизмат қилишдир.

— Давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга берилаётган эътибор бугун жуда катта самара бермоқда, — дейди Саттор Туропов. — Ўғлимни офицерлик либосида кўриб бунга яна бир бор амин бўлдим. Фарзандим ушбу таълим муассасасини битириб, шарафли касбини эгаллаш билан бир қаторда соғлом, кучли, мард ва қатъиятли йигит бўлиб етишди. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиздан фарзандларимизнинг таълим олиши ҳамда етук кадр бўлиб етишишда кўрсатилган эътибор ва қамқорликлар учун миннатдоримиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар мутахассислик дипломи ва офицерлик унвонига эга бўлган ёш кадрларга юртимиз тинчилиги ва оқошталлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш каби масъулиятли вазифаларини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Тадбирда ички ишлар вазири генерал-лейтенант А.Аҳмедбаев сўзга чиқди.

Абдуалим САЛИМОВ

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, боғжона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, авиаташув, электротехника, машинасозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Рустам Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида эркин савдога оид битим асосида изчил ривожланаётди. МДХ доирасида имзоланган Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома ҳам бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилаётди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми ўсиб бораётди. 2014 йил якунилари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги марраларга олиб чиқиш учун икки томон ҳам улкан имкониятларга эга экани қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш ва турини кенгайтириш, юкларни ташини, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўтказилган саноат кўргазмаларида Ўзбекистон ва Тожикистон ишбилармонлари иштирокини янада кенгайтириш ва фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

— Ўзбекистон Тожикистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан, — деди Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Давлатали Саид. — Ўзбекистон — Тожикистон қўшма комиссияси мажлислари ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга, ҳамкорликнинг янги имкониятларини кашф этиш ва бизнес борасида тажриба алмашишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан, фан ва техника, таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Музокарада икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофича таҳлил қилинди. Иқтисодиётнинг турли йўналишлари, жумладан, транспорт ва транспорт коммуникациялари, транзит, авиаташув каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш юзасидан атрофича фикр алмашилди.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро вилояти болалар кўптармоқли тиббиёт марказида 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган бемор болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир мамлакатимизда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий-тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг яна бир ифодаси бўлди.

● «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Сирдарё минтақавий филиалида «Энг фаол ёш банк ходими» танловининг биринчи босқичи ўтказилди. Голиб ва совриндорлар банк касба уюшма кўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

● Наманганда олимпия захиралари коллежларининг 14-15 ёшли ўқувчилари ўртасида футбол, енгил атлетика, оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. «Олимпия чўққилари — 2015» деб номланган мазкур мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 коллеж жамоаси баҳслашди.

● Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги ҳарбий қисмининг чегара пости янги биноси фойдаланишга топширилди. Тадбирда чегара пости қурилишида алоҳида ўрнатилган кўрсатган қурувчилар тақдирланди. Шунингдек, шартнома асосида хизмат қилувчи оилали ҳарбийларга хизмат уйлари калитлари топширилди.



● Кеча Франция денгизчилари Буюк Британия билан темир йўл ҳаракати йўлини вақтинча беркитдилар. Бу иш ўринларининг қисқартирилиши билан боғлиқ бўлиб, 400 га яқин киши Франциянинг Кале шаҳридаги Ла-Манш туннелига темир йўл орқали кириш жойида норозилик намойишини амалга оширдилар. Натижада ҳар иккала мамлакат ўртасидаги поездлар ҳаракати вақтинчалик тўхтатилди.

● «Journal of Hepatology» нашрида эълон қилинган мақолага кўра, бир гуруҳ олимлар таркибида шакар микдори кўп бўлган ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш гуруҳ қон-томир ҳамда иккинчи гуруҳ қанд касаллиги учун жуда катта хавф туғдиришини аниқлашди. Бунда жигар фаолияти ҳам бузилиб, у билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин.

● Сотбис аукционидида машҳур мусаввир Клод Моненинг «Настарин гулстеринг» номли асари 10,8 миллион фунт стерлинг (17,1 миллион доллар атрофида)га сотилди. Ушбу харидни амалга оширган шахс ўзининг кимлигини ошкор этмади. Таъкидлаш жоизки, шу кунги савдоларда француз мусаввирининг мазкур ноёб картинаси энг қимматли лот сифатида қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тайёр маҳсулот маҳаллийлаштирилиши даражасини ошириш иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш, унинг ташқи омилига тобелигини қамқатириш, ишлаб чиқариш жараёнига истиқболли технологиялар татбиқ этилишини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маҳаллийлаштириш дастурларининг амалга кенг татбиқ этилиши самарасида Ўзбекистонда ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд қийматдаги импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 11 февралдаги Қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ва ишлаб

чиқариш дастури бу йўналишдаги ишларни янада кенгайтиришга қаратилган. Дастурга мувофиқ 2019 йилгача умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Санот, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган Иқтисодиёт вазирлигининг маҳаллийлаштириш дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ахбороти эшитишда шулар ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро

саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича қабул қилинаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида 2010-2014 йилларда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини татбиқ этиётган корхоналар томонидан 46 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу борадаги ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 маротаба ошиб, 10 мингта янги иш ўрни яратилган.

Маҳаллийлаштириш дастурлари самарасида сўнгги 15 йил давомида 4 минг турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Соҳанинг жадал ривожланишини таъминлашда мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширишга замонавий ёндашув ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги маҳсулот турларини кўпайтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири



Ислом Каримов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон эришаётган натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Standard&Poor's» халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда ўтказган Ўзбекистон тижорат банклари халқаро рейтинг тақдим этилиши масалаларига бағишланган конференцияда шу хусусида сўз борди. Унда Марказий ва тижорат банкларининг раҳбарлари, кредит ташкилотларини аудитдан ўтказувчи халқаро ва маҳаллий аудиторлик компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда «Standard&Poor's» экспертлари рейтинг тақдим этиш мезонлари таҳлили, кредит лаёқатлилиги баҳолаш, шунингдек, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг «Базель-III стандартлари»ни жорий қилиш тажрибаси, тавсиялари ва уларнинг банклар рейтингига таъсири борасида тақдимот ўтказди.

Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурсларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Ўзбекистон банк тизимининг капиталлаштириш даражаси ва ликвидлилигини ошириш, «Базель-III стандартлари» талабларини жорий этишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Standard&Poor's» халқаро рейтинг агентлигининг молиявий институтлар директори ўринбосари Анастасия Турдиева. — Ўзбекистон банк тизимининг капиталлаштириш доимо барқарор деб баҳолаб келганмиз, чунки тижорат банкларининг даромадларини оширадиган активлар ўсиши юқори суръатларда давом этмоқда. Бундан ташқари, капиталлашувга давлат томонидан банклар

иштирокида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Дунёнинг баъзи мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли пасайиши, айрим ривожланган давлатлар ва йирик молия институтларининг рейтинг баҳолари тушиши кузатилаётган бир вақтда Ўзбекистон банк тизими «барқарор» деб баҳоланмоқда. Бу эса соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасининг яна бир яққол ифодасидир.

Мамлакатимизда банк тизими доимий қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан муайян тажриба тўплагани рейтинг баҳосининг ўсишига муҳим замин яратмоқда. Хусусан, тизимнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ мақсадли чоралар банк капиталининг сўнгги беш йилда 2 мартадан ошди, ўтган йилнинг ўзига эса 25 фоиз ўсишини таъминлади. Ҳозир капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич халқаро стандартлардан 3 баравар кўпдир.

Йиғилишда Марказий банк томонидан амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва самарали банк назоратининг олиб борилиши, активлар сифати, кредит портфелини диверсификация қилиш, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичлари устидан доимий мониторинг ўрнатиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётининг ўзгаришларига тез мослашувчан соҳа сифатида ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишининг янги ва замонавий турларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юришти учун молия ва вақт харажатларининг камайганлиги, рўйхатга олишининг хабардор қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони жадал ошиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий тенденциялар юз бермоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг янги ички маҳсулотдаги улуши 2014 йилда 56 фоизга етди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганининг самарасидир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг бу қадар жадал ривожланишида солиқ имтиёзларининг аҳамияти катта.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг экспорт ва импортдаги улушини кўрадиган

бўлсак, 2014-йилда импортдаги улуши 42,4 фоиз, экспортда эса 24,1 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Соҳа вакилларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташки бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, банкларнинг умумий капитали ва депозитлар базасининг янада мустаҳкамлаши банкларнинг ички манбалар ҳисобига кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириш орқали мамлакат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2015 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларидан тўланадиган даромад солиғи бўйича жисмоний шахслар томонидан турар жой ва нотурар жойларни ҳамда автотранспорт воситаларини ижарага беришда ижара тўловининг қатъий меъёрлари белгиланди.

Қарор ва ижро

МУЛКНИ ИЖАРАГА БЕРИШДАГИ СОЛИҚЛАР

Унга кўра, ўтган йилдагидек, жисмоний шахсларни уй-жойнинг 1 м² учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб белгиланган табақалашган миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида — 3,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсундиган шаҳарларда — 2,0 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида — 1,0 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, нотурар жойларни ижарага беришда, Тошкент шаҳрида — 6,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсундиган шаҳарларда — 4,0 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида — 2,0 минг сўмни ташкил этди.

Шулар билан бир қаторда, жорий йилдан жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорлари 2014 йилдагидек қолдирилди. Енгил автомобиллар (йўловчи, юк ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўриндиғини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та ўриндиқча бўлган автотранспорт воситалари) битта автотранспорт воситаси учун 220 минг сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва юк ташиш автомобиллари учун 430 минг сўмдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкни ижарага беришдан олган даромади жисмоний шахсларнинг даромадидан олинандиган солиқ шкаласининг минимал ставкасида солиққа тортилади, яъни 2015 йил 1 январдан 8,5 фоиз ставкада жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи ҳисоблаб ундирилади.

Солиқ кодексининг 192-моддасига кўра, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинимаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугагани-

дан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай топширилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 193-моддасига кўра, мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайди. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинандиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Эътибор бериш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 159-моддасига кўра фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисmini, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиғига сабаб бўлади.

Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси томонидан қонунчиликнинг ушбу талабларига риоя этилиши юзасидан аҳоли орасида мунтазам тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Қонунбузарларга нисбатан чоралар кўришмоқда.

Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ,
Чилонзор туман
Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи

иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Шуниси қувонарлики, тижорат банклари томонидан 2014 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, технология ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида жами 8,5 трлн. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди. Инвестицион кредитлар устувор равишда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бизнесни юришти шарт-шароитларини енгиллаштириш ва арзонлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро молиявий ташкилотлар томонидан юқори баҳолаб келинмоқда.

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқимизнинг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кўп жиҳатдан хусусий тадбиркорлиқнинг ривожига билан боғлиқ десак муболаға қилмаган бўламиз. Кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг янада тараққий этиши, аҳоли бандлигининг таъминланиши, ЯИМ ҳамда экспорт ва турли тармоқларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Нилуфар ХУДОЙНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон, 97-модда), «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги тахрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 2008 йил 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман маҳсул комиссиясининг 2014 йил 25 сентябрдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 92 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2877 та иш ўринлари банд қилиб қўйилиши:

— ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни ўйналлатиш иш қилиниши берадиган, ўзгарувчан иш ҳақидоғига эга бўлган иш ўринлари;

— таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

— муқаддас ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

— ногиронлар учун — меҳнат шариоитлари, бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш, жараёнларини тўқатишга бажариш имконини (соғлиғининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

— бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашган қолган шахслар учун — маҳсул малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

— жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тибиий ҳарактердаги мажбурий чоралар қўрилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-хунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун — маҳсул малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

Одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

2. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

— ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунлаштиришдан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камиди 25 фоизни учун, 2015 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратилиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассислар қисмидаги маълумотларини ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилисин.

— иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шариоитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотларнинг ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка қўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (М.Шерматов):

— ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Миробод тумани ҳокимининг 2013 йил 30 сентябрдаги «Миробод туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларини 2014 йилга банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 423-сонли қарори 2014 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўчга қиради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Миробод туман ҳокимининг ўринбосари О.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Миробод тумани ҳокими
Ш.Қадиров

2014 йил 10 ноябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали таништиш мумкин.

Маънавият — ақл кўзгуси

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишловларнинг мазмун-моҳияти, ҳалқимиз, аввало, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги эзгу сазий-ҳаракатлар ҳусусида ЎЗА муҳбирига қуйдагиларни сўзлаб берди:

— Ҳар бир халқ, мамлакатнинг истиқболи, унинг тараққиёти, тинч ва осойишта ҳаёт кечириши, эзгу ва буюк мақсад-муддао-лигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларимизни ҳеч қимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жаҳон тамаддуни, илм-фанни ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб қамолга етказиш, қалби ва онгига Батанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садо-қат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур синдиришга жиддий эътибор қаратилаётган.

Мамлакатимизда илм-фан, маданият ва санъатни изчил ри-вожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш борасидаги эзгу ин-тилишлар замирида ҳам дунёга янгилик, теран нигоҳ билан назар ташлайдиган, мушкул фикрга эга бўлган авлоднинг қамол топириш мақсади мўжассам. Ватанимизнинг бой тарихини асл ҳолига, хо-лисона ўрганиш, буюк аждодларимизнинг ҳаёти, илмий фаолияти, маънавий ҳазинаси-ни чуқур тадқиқ этиш, маданий меросимиз, ўзига хос анъана ва қадриятларимиз, санъат-нинг турли йўналишларига оид мактабларни пухта ўрганишга доир сазий-ҳаракатлар халқ маънавиятини юксалтиришдек эзгу мақсад-ларга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда-ги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маъ-рифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори, «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этишда муҳим дастурамал бўлмоқ-да. Миллий маънавиятимизни юксалтиришга доир миллий кону-нчилик тизими натижасида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, унинг жойлардаги худудий бўлиналари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази тузилди ва изчил фаолият юритмоқда. Маркази-миз фаолияти асосини халқимиз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўри ва ҳаётий эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида мамлакатимиз эришган ютук ва марраларни, Ватанимизнинг халқро майдондаги нуфу-зини янада юксалтириш борасидаги сазий-ҳаракатлар аҳамиятини юртимиз аҳолиси, айниқса, ёшларга содда, самимий ва таъсир-чан мисоллар ёрдамида тушултириш ишлари ташкил этади.

Шу мақсадда марказ мутахассислари билан бирга олимлар, психологлар, фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритган инсонларни жалб этган ҳолда маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавия-тимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакор намуналари, бу-гунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб боришмоқда. Бугунги кун маънавият тар-ғиботчиси юксак интеллектуал салоҳиятли, ҳозиржавоб, билим-дон, зукко, ёшларга ихобий таъсир ўтказа олиш қобилиятига эга бўлмоғи даркор.

Марказ қўшида ташкил этилган «Маънавият тарғиботчиси» ўқув марказида мамлакатимиздаги турли вазирилик ва идоралари маънавий-маърифий соҳаларга масъул ходимларнинг малака ва маҳоратини оширишга эътибор қаратишмоқда. Утган йили Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан фан, таълим, маданият, санъат соҳаси вакилларидан иборат 2800 тар-ғиботчи танилб олинди. 2015 йилнинг ҳозирги кўнига қадар минг-га яқин маънавият тарғиботчиларининг малакасини оширишга эри-шилди. Шу билан бирга, бевосита жойларда ташкил этилаётган

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёшларнинг маънавий қамолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларда миллий ўзлиқни англаш, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг маъно-мазмунини кенг тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

ўқув-маърифий семинар машғулотлари соҳа мутахассисларининг билим ва таҳрибасини бойитиш ва кенгайтириш имконини бер-моқда. Таълим тизимининг барча бўғинларида маънавий-маъри-фий ишлар бўйича мутасадди бўлган масъул ходимларнинг дои-мий аттестациядан ўтказилиши ушбу соҳага юқори билимли, ишга ижодий ёндашувчи, изланувчан, фидойи, ўз ўстида тинимсиз иш-лайдиган ходимларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказ қўшида ташкил этилган социологик тадқиқот гуруҳла-ри томонидан жойлардаги таълим масканлари, қорхона ва таш-килотлар, идоралар, маҳаллалардаги маънавий муҳитнинг ҳола-ти атрофчиликка ўрганилиб, амалга оширилган ишлар доимий мо-ниторинг қилиб боришмоқда. Бу маънавий тарғиботга доир дол-зарб тавсияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жо-рий этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, миллий қадриятларнинг тикланиши, кенг қўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари аҳамиятини тарғиб этиш, шунингдек, ёш-ларимизни оғоҳлик ва ҳушёрликка даъват этиш, уларни ақидапа-растлик, ғиёҳандлик, жиноятчилик, «оммавий маданият», ах-лоқсизлик, дидсизликдан асрашга оид 65 номдаги тарғибот

лашда юртимизнинг барча худудлари бўйлаб ўтказилаётган «Воя-га етмаганларни экстремистик, террористик ва миссионерлик оқимларининг таъсири ва бошқа ёт ғоялардан асрашнинг ижти-моий-ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусидаги конференция, «Буюк аждод-ларимизга муносиб авлод бўлайлик» мавзусидаги маънавий-маъ-рифий тадбирлар, «Баркамол авлод шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий се-минарларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

«Инсон азиз, Ватан муқаддас» мавзусидаги кўргазмалар, «Кекса авлодга ҳурмат ва эътибор — юксак маънавият ифодаси», «Қуд-ратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусидаги давра суҳ-батларида юртимизда қадимдан турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшаб келгани, бу диёр азиздан бағрикенг, саховатли, меҳридарё инсонлар юрти бўл-гани ёшларга тарихий материаллар, ҳаётий мисоллар, фотосурат-лар ёрдамида кенг тушултирилмоқда.

«Юксак маънавиятга авлод» республика фестивали оловқалб ёшларимизда юрт тақдири учун дахлдорлик, эртанги кун учун масъулият туйғуларини кучайтирган бўлса, «Ватан келажиги се-нинг қўлингда!» тарғибот лойиҳаси таълим масканлари, Меҳри-бонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролик йиғинларидаги ёшларни қамраб олди. Тарғибот тадбирлари давомида жамият ҳаётининг барча жабҳа-ларида амалга оширилаётган кенг қамровли ис-лохларнинг, баркамол авлод тарбияси йўли-даги чексиз меҳр-эътибор, ғамхўрликнинг маз-мун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушултириш-га алоҳида эътибор қаратилади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари бил-ан суҳбатда билдирган фикрлари юзасидан миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсади-да болалар ўртасида ташкил этилган «Мустақил юрт фарзанди-ман!» мавзусидаги расмлар танлови, ўсмирлар ўртасида ўтқа-зилган «Ватанимга қайт бўламан!» мавзусидаги иншоолар тан-лови ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотди.

Истиқлол айёми арафасида маҳаллаларда, маданият ва ис-тироҳат боғларида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказилаётган китоб байрамлари ўғил-қизларнинг мутлоаа ма-даниятини тобора юксалтириб, миллий адабиётимизга бўлган меҳри ва иштиёқини кучайтирмоқда. Айни пайтда тарихий ша-ҳарларимиз, қадимий меъморий обидалар, табаруқ зияратгоҳ-ларга, истиқлол йилларида бўёбд этилган муҳташам саройлар, театр ва музейлар, маънавият ва маърифат масканларига таш-кил этилаётган саёҳатлар ёшларнинг азиз Ватанимизга бўлган муҳаббатини, ўзи туғилиб ўсган диёр, буюк аждодларимиз бил-ан фарҳансини туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қил-моқда.

Комиллик сари интилиб яшаш инсонни саодатга элтади. Мус-тақиллигимизни мустаҳкамлаш, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар таҳлили асосида ҳар бир юрtdошимиз қалбида миллий гуруҳни, юксак маънавий фазилатларни қарор топтириш ҳар бир маънавият жонкуяри зиммасидаги шарафли ҳама маъсулиятли борадир.

Назокат УСМОНОВА
ёзиб олди.

«Шарқ тароналари — 2015»

ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА
ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ
АЛОҚАЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ
ҚИЛАЁТГАН МУСИҚА
АНЖУМАНИ



«Шарқ тароналари»
халқро мусиқа
фестивали бу йил
ўнингчи бор
ўтказилади.
Президентимиз Ислон
Каримов ташаббуси
билан ташкил этилган
ушбу мусиқа
анжумани санъат ва
маданиятни ривожлантириш, турли миллат ва
элатларни санъат воситасида бирлаштириш,
халқлараро тинчлик ва дўстликни
мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.
Фестивалнинг маънавий руҳи ва нуфузи
иштирокчи санъаткорларга илҳом
бағишламоқда, уларнинг ижодини янада
ривожлантирмоқда.

ЎЗА муҳбирлари аввалги фестивалларда иштирок эт-ган айрим хорижий санъаткорларнинг фикрлари билан қизиқди.

Талике ЖЕЛЛЕ, иштирокчи (Мадагаскар):
— «Шарқ тароналари» халқро мусиқа фестивали ўзига хос йўналишга эга аjoyиб санъат анжуманидир. Мен мазкур фестивалда 2011 ва 2013 йилларда иштирок этиб, ўз ижодини намойиш этганимдан жуда бахтиёрим. Фестивалда қўллаб-дўстлар орттирдим. Улар билан ижодий тақрибга алашадим, санъат соҳасида қўллаб-маълумотларга эга бўлдим, ўзим учун янги қирраларни кашф этдим. Анжуманда дунё халқларини Мадагаскар миллий санъати билан янада яқинроқ таништирганимдан қувон-чим чексиз. Одамлар миллий куй-қўшиқларимизни марок билан тинглади, бундан жуда завқландим. Ана шундай йирик фестивалда, муаззам Регистон майдонидида юртим навалари тараннум этилгани мен учун катта шараф.

«Шарқ тароналари» дунёнинг турли халқлари вакиллари бир жойга тўплаб, улар ўртасида мулоқотни таъмин-лайдиган, миллатлараро товуқлиқа ҳисса қўшадиган аjoyиб воситадир. Фестиваль халқларнинг ўзаро маданий ва дўстона алоқаларини ривожлантириш орқали жаҳонда тинч-лик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мен бошқа мусиқа фестивалларида ҳам иштирок эт-ганман. Бироқ уларда ўз ижодий дастуримин намойиш этиб, дархол ортага қайтардим. Самарқандда бундай қўла олмадим. Чунки фестиваль ақулангандан кейин ҳам ҳеч қимнинг кетгиси келмади. «Афросиёб» меҳмонхонасида ярим тунгача барча иштирокчилар биргаликда куй-қўшиқ-лар ижро этдик. Бу гўзал ва сехрли онлар ҳеч қачон едимдан чиқмайди. Булардан руҳий қувватландим, илҳ-омландим ва ўз ҳисларимни қўшиқларга қўчирдим. Фес-тиваль ижодий изланишларимга куч бағишлади, бир неча янги тароналар яратишимга ундади.

Президент Ислон Каримовнинг санъатга эътибори, ижод аҳлига қўрсатаётган ғамхўрлиги мен хайратлан-тирди. Ўзбекистонда барча соҳалар, ҳусусан, санъат ва маданият изчил ривожланаётгани бежиз эмас экан. Хал-қингизинг бетакор санъати — қалбларни сел қиладиган куй-қўшиқлари, нафис ҳаракатларга йўғрилган жо-зибдор рақслари ўзбек маданиятининг нақадар юксак эканидан далолат беради.

Ғоят бағрикенг, меҳмондўст ва самимий ўзбек халқига ҳавас қилдим. Одамларнинг қалбидида Батанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, фахр-ифтихор туйғулари улар-нинг юз-қўзиди намоян.

Ўзбекистон бой маданиятга эга мамлакат. Буюк ах-додларингизнинг улкан салоҳияти ва юксак иқтидорини намунаси бўлган тарихий обидалар ва меъморий ёдгор-ликлар ғоят бетакор. Мен ушбу гўзал мамлакатни, аф-сонавий Самарқандни хотирлаб, Ўзбекистонда тушган суратларимни тез-тез томоша қиламан.

Дунёга донг таратган «Шарқ тароналари» халқро му-сика фестивалида яна иштирок этишни, гўзал Ўзбеки-стонни яна қўришни орау қиламан.

Махиде ЛЕИН, «Ahol Artists and Events» агентли-ги раҳбари (Германия):
— Мен мусиқачи, рақсоз ва рассомларнинг менежери бўлиб иш юртаман. Германияда мусиқа фестиваллари-ни ташкил этиш билан шуғулланаман.

«Шарқ тароналари» халқро мусиқа фестивали ҳаётим-нинг бир қисмига, ижодимнинг мазмунига айланган, де-сам муболага бўлмайди. Унда турли мамлакат санъат-корлари билан иштирок этиб келмоқдаман. 2013 йилги фестивалда Шимолдй Африка ва Бразилиядан тўплан-ган ёшлардан иборат «Ланая» гуруҳи билан қатнашган эдик. Гуруҳимиз «Шарқ тароналари» IX Халқро мусиқа фестивалида биринчи ўринни қўлга киритди.

Мазкур фестивалнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у бир hafta давомида дунё мамлакатлари санъ-ати ва маданияти билан танишиш, юзлаб санъаткор ва соҳа мутахассислари билан фикр ва тақрибга алашшиш имконини беради. Фестиваль доирасидаги семинар ва тренинглар касб маҳоратини оширишга қўмақлашади.


Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ўтказилган фес-тивалларда иштирок этганман. Аммо Самарқанддаги «Шарқ тароналари» сахнасидак улкан ва бетакор саҳ-нани, меҳмонларга қўрсатиладиган иззат ва икромни ҳеч қаерда кўрмаганман. Фестиваль соҳна декорациясининг ўзига хос тарзда безатилиши, унда энг замонавий ёри-тиш ускуналаридан фойдаланилиши каби жиҳатларга ало-ҳида эътибор қаратилиши дилларга завоқ бағишлади, қўзни қувватлади. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг то-мошабини ва муҳлислари ҳам жуда гўзал, юксак эстетик дидага эга экани алоҳида эътиборимни тортган.

Гўзаллик ва нафосатни ўзига мўжассам этган ўзбек наволарининг, юракни жунбўшга келтирувчи рақслари-нинг жаҳон мусиқа санъатида алоҳида ўрни бор. Инсон-ларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этувчи ушбу анъанавий фестиваль жаҳон халқларининг мусиқий ме-росини тарғиб этиш ва ривожлантиришга хизмат қилиб келмоқда. Фестиваль иштирокчиларининг йил сайин қўлаётгани дунёда унинг нуфузи ошиб бораётганидан далолатдир.

Дунёда мусиқа йўналишлари жуда кўп ва уларни сақ-лаб қолиш ғоят муҳим. Шу сабабли миллий мусиқалари-ни замонавий мусиқий йўналишлар билан мўжассамлаш-тиришга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистондагидек қадимий тарих ва замонавий тараққиёт уйғунлашиб кетган шаҳарлар дунёда кам. Самарқанддаги Регистоннинг ўзига хос архитектура-си кишини сехрлаб қўяди, мадрасалар деворидида ҳар бир шакл ва ёзув бир олам маъно ифодалайди.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
интернет орқали ёзиб олди.



Отабек Мирзоёвдан сўраб

ЮРТГА САДОҚАТ ФОЯЛАРИ МУЖАССАМ

Китоблар маънавият сарчашмаси, онг ва тафаккурни теранлаштирадиган, маданий озиқ берадиган, инсонларни эзуликка қорлайдиган, яхшиликка ундайдиган, оқ ва қорани, яхши ва ёмонни англадиган тафаккур гулдаси ҳисобланади. Уларни ўқиганинг сари кўнгил ойналаридида ғубор тарқалиб, қалб сокинликка юз тутати. Ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган адибларимиз орасида Ҳайдар Муҳаммаднинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида иходхорнинг «Катталар ва болалар қўшиқлари» номли китобининг тақди-моти бўлиб ўтди.

Олимлар, ёзувчи ва шоирлар, бастакор-лар иштирок этган тадбирда шоирнинг ижод йўли, у яратадиган асарларнинг мазмун-моҳияти, эш афволга маънавий озиқ бери-ши ҳақида илқ фикрлар билдирилди.

— Ҳайдар Муҳаммад нафақат нарсда, назмида ёки публицистикада, балки пьеса ва эртаклар ёзишда ҳам ўзига хос услубга эга бўлган секирга иходхорлардандир, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюмаси раиси Рустам Абдуллаев. — У қўшқичлик санъа-тида ҳам ўзига хос из қолдириб келмоқда. Шоирнинг шеърлари билан айтиладиган қўллаб қўшиқлар яратилди ва яратилмоқда. Бу китоб эса мусиқа оламига ёрқин ва гўзал бир тўхадир. Мен бастакорлар номидан Ҳайдар акага ижодий баркамоллик ва тани сихатлик тилаб қоламан.

Дарҳақиқат, шоир бугунги кунгача 200 дан ортиқ қўшиқлар яратган. Уларга Имом-жон Икромов, Муҳаммадjon Мирзоев, Сай-фи Жалил, Дони Зокиров, Набижон Ҳаса-нов, Тельман Ҳасанов каби қўллаб етук бас-такорлар мусиқа басталаганлар. Ҳусусан, халқимиз қалбидан мустақам ўрин олган Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдулла-ев ва ихродсидаги «Самарқанд» ва «Севги ба-

МУЗЕЙЛАР — ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Ҳар гал мен талабалар билан давлат ёки уй-музейларига экскурсияларга келганимда ёки музей бинолари ёнидан ўтиб қолганимда мазкур илм-фан маҳзини, маърифат, маданият ва маънавият масканлари биноларини барпо этган, беқибс эътибор, ғамхўрликлар кўрсатган ҳукуматимизга тасаннолар билдираман. Уларни керакли жиҳозу осори-атиқалар билан таъминлашга ўз билимин, тафаккурни, қалб кўри ва кўз нурини бахшида қилган тарихчи, қадимшунос, адабиётшунос, маданиятшунос, этнограф ва мусавирларга, шунингдек, мазкур илмий муассасаларнинг генофонди бўлиши илмий хизматчиларига раҳматлар айтаман.

Зеро, музейлар мактабу коллеж ва олий ўқув юрtdарининг узвий давоми, инсоният ижо-дий меҳнатининг махсули бўлган моддий ва маънавий бойликларни намойиш қилувчи дар-гоҳ, олис мозийга янги замонавий умр бахш этувчи билим масканидир. Музейлардаги ҳар бир экспонат — металл ва ёғоч буюм, мато ҳамда ёзма ёдгорликлар ота-боболаримизнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, турмуш мадания-тидан, ақлу заковатидан ҳикматли нақллар, ҳикоялар ва достонлар сўзлайди.

Одатда юртимизга келган хорижлик сайёҳ-лар Ватанимиз билан қичқидан танишиш мақ-садидида аввало музейларга, тарихий обидалар қўноғига, азиз-авлиёлар хилхонаси бўлиши за-ираттоҳларига қадам қўяди. Мана шундай да-қиқаларда музейлар юрtdимизнинг обрў-эъти-бори, маънавий кўзгуни, халқимиз ақл-зако-вати ҳамда донолигининг ҳужжатхонаси бўлиб хизмат қилди.

Шўролар даврида ҳам бир неча музейла-римиз бор эди. Аммо уларга қўйилган экспо-натларнинг асосийлари миллий қадриятлари-мизни кўз-қўз қилишга эмас, аксинча уларни пастга уриш, халқимизни ўтмишда қолоқ ва но-чор, маданиятдан орқда қолган деб кўрса-тиш воситаси бўлиб хизмат қилган эди. Шу-нинг учун ўша вақтларда халқимиз музейлар-га кўп ҳам эътиқод билан қадам қўйвермас, ҳатто бекорчилик борадиган ер деб ҳисобла-нарди. Мустақиллик йилларида миллий-маъ-навий тикланиш жабҳасининг энг марказий нуқ-таларида бири музейларимизни тудбан ҳа-шшлаш, уларни бой миллий ва умуминсоний қадриятларни намойиш этувчи илмий ва мада-ний масканга айлантириш бўлди. Юртбоши-миз ташаббуси ва диққат-эътибори тўғрйли республикамиз музейлари Ўзбекистон халқ-ларининг бой ўтмишини, дунё тамаддуни ри-вожига қўшган салмоқли улушини намойиш қилувчи, томошабинга билим ва тақрибга, маъ-навий ҳузур бахш этувчи, ёшлар онгиди наа юрти, туғилган заминга бўлган муҳаббат туйғуларини жо этувчи маърифатхоналар дараҳасига кўтарилди.

«Ўзбекистон тарихи давлат музейи»да бўл-ганимда Ўзбекистон халқ шоири Икбол Мирзо-нинг «Тошкент хомаси» номли аjoyиб шеъри ёдимга тўтиш кетди. Чунки бу шеър айнан

Гулчехра ДУРДИЕВА



Мухаммад Амин олган сурат

«Камолот» лойиҳалари

ФУТБОЛСЕВАР ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Миллий университетининг «Истиқлол» стадионида «Спорт шашинимиз ҳимоясидир» дея номланган футбол мусобақаси ўтказилди.

«Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Ётақчилар Кенгаши томонидан «Ёзи Камолот билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда шаҳарча ҳудудида жойлашган 9 та маҳаллада истиқомат қилувчи 9 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалардан ташкил топган жамоалар ўзаро беллашди.

— Кенгашимиз томонидан ёшларимиз он-гига баркамол авлод тушунчасини сингдириш, уларнинг соғлом ва етук мутахассис бўлиб етиштирилишига шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратиб келинади, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» шаҳарчаси Ётақчилар Кенгаши раиси ўринбосари Илҳом Камолов. — Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши ҳамда спортнинг оммавий турлари, хусусан футболга кенгроқ жалб этиш, спорт орқали уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, диний экстремизм, гиёҳвандлик каби нопок иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини

олишга қаратилган спорт мусобақалари ва кўплаб тадбирлар шулар жумласидандир. Асосий мақсадимиз эса ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат ҳамда ватанпарварлик, гуруҳ ва фахрлиниш каби туйғуларни кучайтиришдан иборат.

Натижаларга кўра «Жийдали» маҳалласининг спортга чанқоқ ва футболсевар ёшларидан ташкил топган жамоаси биринчи ўринни эгаллади. «Университет» маҳалласи ёшлари жамоаси иккинчи ўринни кўлга киритди. «Зиё» маҳалласининг жамоаси учинчи ўринга лойиқ топилди.

Мусобақа сўнггида фаол иштирок этган ёшлар ҳамда ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Уйлаимизки, ўтказилаётган бу каби тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил вақтини мароқли ва мазмунли ўтказишлари, уларнинг спорт билан шуғулланиб, соғлом вояга етишларига замин яратиши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

Ёнғин — тилсиз ёв. Ундан ҳамиша эҳтиёт бўлиш учун ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилиш зарур. Халқимиз ҳар қачон «Сув балосидан, ўт балосидан ўзинг асра» деб бежизга сўрамайди.

«101»

НОСОЗЛИКЛАР
БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Бироқ бу илтижолар замирида ҳар бир кишининг ўз амалий ҳаракатлари ётмоғи даркор. Хушёрлик ва эҳтиёткорлик ўт-олов хавфининг олдини оловчи фазилатдир. Чунки ўт-олов ёниб турган жойида лоқайдликка, бепасандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими тизими шохобчаларида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтойлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар кўзига жозибали кўринган оловнинг ўта хавфлилиги, нога-

хон содир бўлган ёнғинларнинг оғир оқибатларини тушунириб, бу фалокатдан узоқроқ юришни ўргатиш ниҳоятда зарур. Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг шахсий ибрати уларнинг ўз ўқувчилари хатти-ҳаракатларини назоратда сақлашлари, ўт билан ўйнаш ёмонлигини вақтида тушуниришлари жуда зарур тадбирдир. Ўқувчиларга ёнғиндан сақланиш ва ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган бирламчи билим ва кўникмалар шу асосда сингдириб боришмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида бирламчи

ўт-ўчириш воситаларининг борлиги, тўлалиги, биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ходим бириктирилганлиги уларнинг иши текширувдан ўтказилди. Синф хоналаридаги электр нуқталари текширилиб, айрим носозлари вақтида тузатилади. Газда ишлайдиган иситиш мосламаларидадан фойдаланиш учун кечаю кундуз доимий навбатчилик ташкил этилди.

Бугун жаҳонга юз тутаётган Ўзбекистонимиз бойликларини, табиатини ва шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқароларни ўт балосидан асраш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки ҳаммамнинг муқаддас бурчидир. Ёнғинларни ўчиришдан кўра уларнинг олдини олиш осонроқ, бунга эса ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз зарур.

М. РИСБЕКОВ,
ЁХБ 12-ХЕО 24-ХЕХК
кичик инспектори,
кичик сержант

Бугунги кунда кўчаларимизда автоуловлар сони ортиб бораётгани сайин ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, кўпол қондабузарликларни аниқлаш ва йўлларда юз бериши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш устувор вазифалардан бирига айланди.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»
давом этмоқдаМУНОСИБ ИШТИРОК
ЭТАЙЛИК

Йўл-патруль хизмати ходимлари эса ўзлари масъул бўлган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни аниқлашда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан самарали ҳамкорликни таъминлашлари даркор.

Шу мақсадда жорий йилнинг 3 июни кунидан 30 июнга қадар Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи томонидан тасдиқланган режа асосида пойтахтимиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Мазкур тадбир давомида асосий эътибор йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, пидедалар, жумладан, болалар ҳаракати серкатнов бўлган йўллар ҳамда жойларни белгилаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини янада яхшилаш, ҳайдовчиларни ўқитиш ишларининг сифатини ошириш, айниқса, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи кўпол турдаги қондабузарликларни аниқлашга қаратилади. Бунда ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда икки босқичда кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, ойлик давомида кўпол турдаги қондабузарликларнинг содир этилиши сабаблари, йўл-транспорт ҳодисалари кўплаб учраётган жойлар ҳамда техник кўриқдан ўтмаган авто-

транспорт воситалари, шунингдек, маҳалла ва кўп қаватли уйлар оралиғида қаровсиз қолдирилган транспорт воситалари аниқланмоқда. Соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда «Халқа» экипажларини жалб этган ҳолда, тунги вақтда кимўзарга пойгала ўтказилишининг олди олинмоқда, йўлчи, йўл белгиларининг талабларига қатъий амал қилиш юзасидан назорат янада кучайтирилмоқда. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ва давлат рақам белгисиз автомототранспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан ўрнатилган тартибда кескин чоралар кўрилмоқда. Бир сўз билан айтганда, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали профилактика ишлари ташкил этилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қилинаётган саёй-ҳаракатлар фақатгина ички ишлар ҳамда тегишли идоралар вакилларининг зиммасидаги иш бўлиб қолмасдан, унда фуқароларимиз ҳам фаол иштирок этсалар, пойтахтимизнинг кенг ва раван кўчаларидаги осойишталиқни, шу орқали юрт манфаатига хизмат қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга эришиллади.

Азиз ҳамшаҳарлар, пойтахтимизда давом этаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да муносиб иштирок этайлик!

Сарвар СОБИРОВ

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Эътиборсизлик, лоқайдлик ёнғинларнинг келиб чиқиш ўчоғидир. Гараж орасида қолган чиқиндилар, уй атрофларида ташланган маийий ахлат, қуриган ўт-ўланлар нафақат манзарани, экологияни бузади, турли ҳашаротларнинг кўпайишига олиб келади, шу билан бирга ёнғинларга ҳам сабаб бўлади.

Ёнғиннинг олдини олишда фуқаролар қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этишлари мақсадга мувофиқдир:

- носоз электр асбоблардан фойдаланманг;
- уй, қордоқ ва ертўлаларда тез алангаланувчи (бензин, керосин каби моддалар) суюқликларни сақламанг;
- маҳаллалардаги бинолар, уйлар ҳамда шахсий хонадонларда ахлат чиқиндилари, шох-шаббалар ва хазонларнинг ёқилишига йўл қўйманг;
- ёш болаларни ёлғиз қолдирманг;
- газ ўчоқлари жойини ўзбошимчилик билан ўзгартирманг;
- газ ўчоқлари устида ювилган қирларни қуриштига йўл қўйманг;
- ёқиб қўйилган электр иситиш асбобларини, электр даямол, пли-

та ва телевизорларни қаровсиз қолдирманг;

— ўриндиқда ётиб чекиш ҳаёт учун хавфли;

— ёш болаларни ёлғиз қолдириб, гуғурт ёки пиротехника воситаларидан фойдаланишга йўл қўйманг;

— газ ўчоқлари атрофида тез ёнувчи буюмларни сақлаш, қуриштига йўл қўйманг ва ёқилган ўчоқларни назоратсиз қолдирманг.

Шу ўринда эслатиш лозимки,

ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этмас оиламиз, қараздорларимиз, ота-онамиз хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

М.ЛАБОЙКО,
Тошкент шаҳар 12-ХЕО

24-ХЕХК
бошлиғи ўринбосари, майор

М.АДИЛОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ

бошлиғи, подполковник

Гиёҳвандликка қарши
кураш ойлигиГИЁҲВАНДЛИКНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ —
ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Инсон ҳаётига хавф солувчи, турли жиноятларга йўл очувчи гиёҳвандликка қарши курашиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси бунда муҳим ўрин тутати.

Мазкур конвенцияга аъзо давлатлар қабул қилган резолюцияга мувофиқ 1987 йилдан бошлаб ҳар йили 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кунини сифатида нишонланади.

Ўзбекистонда ушбу сана муносабати билан июнь ойида гиёҳвандликка қарши кураш ойлиғи ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимизда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича самарали тизим шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида бу офатга қарши изчил кураш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги наркотрафик ва наркотик моддаларнинг айрилиқларини айланишига қарши курашиш бўйича самарали тизим шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида бу офатга қарши изчил кураш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги наркотрафик ва наркотик моддаларнинг айрилиқларини айланишига қарши курашиш бўйича самарали тизим шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида бу офатга қарши изчил кураш олиб боришмоқда.

Жорий йилда ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш юзасидан умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида учрашувлар ўтказилди. Наркология диспансерлари мутахассислари ва наркотик моддаларнинг айрилиқларини айланишига қарши курашиш бўйича тезкор ходимлар иштирокида ўтган тадбирларда ҳаётий мисоллар воситасида ёшлар оғоҳликка қорланмоқда. Бундай кенг қўламли профилактика ишлари яхши самара бераётди.

Ойлик доирасида соҳа ходимлари гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи трансмиллий гуруҳларни аниқлаш, уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, гиёҳванд ўсимликлар экилиши ва наркомания ёйилишининг олдини олишга эътибор қаратаётди. Ўтказилаётган тезкор тадбирларда айрим хонадонларда наша, кўнори ва таълим ўсимликлари экилган аниқланиб, улар тегишли тартибда йўқ қилинмоқда. Гиёҳвандлик воситалари билан савдо қилувчи шахслар аниқланиб, тегишли тартибда жавобгарликка тортилмоқда. Пойтахтимизнинг Учтепа туманида истиқомат қилувчи А. ва Н. исмли кимсалар бангхона ташкил этиб, унга гиёҳвандликка мойил кишиларни жалб этиб келаётгани аниқланган. Жиноят устида ушланган бу икки кимсага нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан жиноий иш қўзғатилган.

Олмасор туманидаги йўл-патруль масканларидан бирида Тошкент шаҳрига кириб келаётган «Nexia» автомобили йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан текширилганда, ҳайдовчининг ёнида ўтирган одам безовталаниб қолади. Унинг юки кечирилганда, марихуана гиёҳвандлик моддасини сотиш учун олиб кетаётгани ошкор бўлади.

Тошкент шаҳар ички ишлар ходимлари бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттирмайди.

Норгул АБДУРАИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Моддий ва ёқилғи-энергетик ресурслар учун нархлар ошиши муносабати билан ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Маҳкамасининг Молия бош бошқармаси томонидан рўйхатга олинган 17.06.2015 й даги № 18-ТГ-2015 сонли реестрга биноан Тошкент минтақавий темирйўл узели 5.07.2015 й дан узел корхоналари томонидан кўрсатилётган коммунал хизматлари учун нархлар белгиланганини маълум қилади (ҚҚСсиз):

Товар номи ва қисқа техник тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун (тариф, рентабеллик, устама нарх) охири нарх (сўм, ҚҚСсиз)	Амалда нарх (тариф)	Нархни тартибга солиш органи томонидан декларация қилинган (тасдиқланган)
Водопровод сувини ишлаб чиқариш ва ташиш				
— аҳоли				
Тошкент шаҳри	м ³	103,00		150,00
Тошкент вилояти Ангрен тумани	м ³	241,00		470,00
Тошкент вилояти Оҳангарон тумани	м ³			395,00
Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани	м ³	154,00		172,00
Тошкент вилояти Янгийўл тумани	м ³	165,00		257,00
— бошқа ҳўжалик субъектлари				
Тошкент шаҳри	м ³	205,00		320,00
Тошкент вилояти Оҳангарон тумани	м ³	904,00		1 600,00

Шайхонтохур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими 2015-2016 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишларини ташкил этиш мақсадида таълим муассасалари ошхоналари фаолиятини юритиш учун

ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Мурожаат учун телефон:
244-65-42, 244-65-03.



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 25 июнда

Тошкент шаҳрида 25 июнь кунини ҳаво ўзгариб туради, Тошкент шаҳрининг об-ҳаво

қисқа муддатли ёмғир, жала шаришти шаҳар ҳаво муҳити

ёғиши мумкин. Ғарбдан се-қунда 5-10 метр тезлик-оз тарқалиб кетишига имко-

да, қучайган ҳолда секунди-даражаси наст бўлади.

шамоат эсади. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 25 июнда

Тошкент шаҳрида 25 июнь кунини ҳаво ўзгариб туради, Тошкент шаҳрининг об-ҳаво

қисқа муддатли ёмғир, жала шаришти шаҳар ҳаво муҳити

ёғиши мумкин. Ғарбдан се-қунда 5-10 метр тезлик-оз тарқалиб кетишига имко-

да, қучайган ҳолда секунди-даражаси наст бўлади.



Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г- 655

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахона. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.20